

1603/4196 - عَنْ سَلَمَةَ بْنِ الْأَكْوَعِ t قَالَ: حَرَجْنَا مَعَ النَّبِيِّ r إِلَى حَيْبَرَ، فَسِرْنَا لَيْلًا، فَقَالَ رَجُلٌ مِنَ الْقَوْمِ لِعَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: يَا عَامِرُ أَلَا تُسْمِعُنَا مِنْ هُنَيْهَاتِكَ؟ وَكَانَ عَامِرٌ رَجُلًا شَاعِرًا، فَتَزَلَ يَحْدُو بِالْقَوْمِ يُقُولُ:

اللَّهُمَّ لَوْلَا أَنْتَ مَا اهْتَدَيْنَا وَلَا تَصَدَّقْنَا وَلَا صَلَّيْنَا

فَاعْفِرْ فِدَاءً لَكَ مَا أَبْقَيْنَا وَتَبَّتِ الْأَقْدَامُ إِنْ لَاقَيْنَا

وَأَلْقَيْنَ سَكِينَةً عَلَيْنَا إِنَّا إِذَا صَبِحَ بِنَا أَبْيَيْنَا

وَبِالصِّبَاحِ عَوَّلُوا عَلَيْنَا

فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ هَذَا السَّائِقُ؟ قَالُوا: عَامِرُ بْنُ الْأَكْوَعِ، قَالَ: يَرْحَمُهُ اللَّهُ. قَالَ رَجُلٌ مِنَ الْقَوْمِ: وَجَبَتْ يَا نَبِيَّ اللَّهِ، لَوْلَا أَمْتَعْتَنَا بِهِ، فَأَتَيْنَا حَيْبَرَ، فَحَاصَرْنَاهُمْ حَتَّى أَصَابَتْنَا مَخْمَصَةٌ شَدِيدَةٌ، ثُمَّ إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى فَتَحَهَا عَلَيْهِمْ، فَلَمَّا أَمَسَى النَّاسُ مَسَاءَ الْيَوْمِ الَّذِي فَتَحَتْ عَلَيْهِمْ، أَوْقَدُوا نِيرَانًا كَثِيرَةً، فَقَالَ النَّبِيُّ r: مَا هَذِهِ النَّيْرَانُ؟ عَلَى أَيِّ شَيْءٍ تُوقِدُونَ؟ قَالُوا: عَلَى الْحِمِّ، قَالَ: عَلَى أَيِّ حِمٍّ؟ قَالُوا: حِمِّ الْإِنْسِيَّةِ، قَالَ النَّبِيُّ r: أَهْرِيقُوهَا وَاكْسِرُوهَا. قَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَوْ نُهْرِيقُهَا وَتَغْسِلُهَا؟ قَالَ: أَوْ ذَاكَ. فَلَمَّا تَصَافَتِ الْقَوْمُ كَانَ سَيْفُ عَامِرٍ قَصِيرًا، فَتَنَاوَلَ بِهِ سَاقَ يَهُودِيٍّ لِيَضْرِبَهُ، وَيَرْجِعُ ذُبَابٌ سَيْفِهِ، فَأَصَابَ عَيْنَ مَكْبَةَ عَامِرٍ فَمَاتَ مِنْهُ، قَالَ: فَلَمَّا قَعَلُوا قَالَ سَلَمَةُ: رَأَيْتَنِي رَسُولُ اللَّهِ r وَهُوَ آخِذٌ بِيَدِي قَالَ: مَا لَكَ؟ قُلْتُ لَهُ: فِدَاكَ أَبِي وَأُمِّي، زَعَمُوا أَنَّ عَامِرًا

حَبِطَ عَمَلُهُ. قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: كَذَبَ مَنْ قَالَهُ، إِنَّ لَهُ لِأَجْرَيْنِ - وَجَمَعَ بَيْنَ إصْبَعَيْهِ - إِنَّهُ لَجَاهِدٌ مُجَاهِدٌ،

قَالَ عَرَبِيٌّ مَشَى بِهَا مِثْلَهُ. وَفِي رِوَايَةٍ: نَشَأَ بِهَا.

1603.4196. Салама ибн Акваъ розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга Хайбар томон чиқдик. Кечаси йўл юрдик. Қавмдан бир киши Омирга: «Эй Омир, бирон нима эштайлик!» деди. Омир шоир одам эди. Тушиб, қавмга хиргойи қила бошлади:

«Сен бўлмасанг, Аллоҳим,

Топмас эдик ҳидоят,

На садақа, на намоз,

Қилмас эдик ибодат.

Барча фидойинг Сенинг,

Айла бизни мағфират.

Душман олдида бизни

Собитқадам қил албат.

Устимизга туширгин

Хотиржамлик, сакинат,

Бизни улар **ортга** чорласа,

Бош тортамиз ниҳоят.

Улар бизга ҳайқириб,

Айлади қасду ғорат!»

Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Бу бошловчи ким?» дедилар. «Омир ибн Акваъ», дейишди. У зот: «Аллоҳ уни раҳматига олсин!» дедилар. Шунда қавмдан бир киши: «(Унга шаҳодат) вожиб бўлди, эй Аллоҳнинг Набийси. Бизни ундан баҳраманд қилиб турсангиз бўлмасмиди?»

деди. Хайбарга келиб, уларни қамал қилдик. Қаттиқ оч қолдик. Кейин Аллоҳ таоло уни (Хайбарни) бизга фатҳ қилиб берди. Фатҳ насиб қилган кун арафасида кеч киргач, одамлар гулханлар ёқишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу оловлар нима? Нимага ўт ёқяпсизлар?» дедилар. «Гўшт (пишириш) учун», дейишди. «Қандай гўшт?» дедилар. «Хонаки эшакнинг гўшти», дейишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Буларни (қозонларни) тўкинглар ва синдириб ташланглар», дедилар. Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, уларни тўкиб, кейин ювиб ташлаймизми?» деди. У зот: «Ёки шундай (қилинглар)», дедилар.

Омирнинг қиличи калта эди. Одамлар сафлангач, у бир яҳудийнинг болдирига зарба бериш учун қилич солди, лекин учи ўзига қайтиб, тиззасининг кўзига тегди ва шундан ўлди. Қайтишгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени кўриб, қўлимдан тутдилар ва: «Сенга нима бўлди?» дедилар. Мен у зотга: «Ота-онам сизга фидо бўлсин! Омирнинг амали ҳабата бўлди, дейишяпти», дедим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Буни айтган бекор айтибди! Унга икки ажр бор – икки бармоқларини бирлаштирдилар – у заҳматқашдир, мужоҳиддир. Унингдек йўл тутган араб кам», дедилар».

Бизга Қутайба шундай сўзлаб берди: «Хотим бизга «(Унингдек араб камдан-кам) етишиб чиққан» деб айтиб берган».

Манба: hadis.islom.uz

